SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 20-MAY ■ SESHANBA ■ 63 (27.083) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Оқсаройда қабул

Республикамизда аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг соғлиғини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада дунёнинг етакчи давлатлари, жумладан Германия билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 май куни Оқсаройда Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маргарита Пониверни қабул қилди.

— Италия билан ривожланиб бораётган муносабатларимизни юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Мустақиллигимизнинг дастлабки даврида Италиянинг Ўзбекистонга кўрсатган эътибори ёдимизда. Мамлакатларимиз ҳозир кўплаб халқаро масалаларда ҳамфикр эканлиги ҳам ғоят муҳимдир.

Мамлакатимиз раҳбари 1996 йили Флоренцияда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганини мамнуният билан эсга олди. Ушбу ҳужжат орқали Ўзбекистоннинг мазкур тузилма билан алоқалари тарихида бурилиш босқичи бошланган, кенг кўламли ҳамкорликка тамал тоши қўйилган эди.

Ўзбекистон билан Италия ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириб бормоқда. Мамлакатимиз қатор халқаро ташкилотларга Италия томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади. Италия вакиллари эса Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган барча минтақавий ва халқаро анжуманларда фаол қатнашиб келади.

Иқтисодий соҳада ЕИ билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, бож ва бошқа тўловлар бўйича қулай тартиб-қоидалар жорий этилган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда саноат ва технология борасидаги алоқалар ривожига кўмаклашиш мақсадида махсус Ишчи гуруҳи ташкил этилган.

Учрашувда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

✧✧✧

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Тиббиёт ходимлари Германияда

ҳамкорлик жамияти (ГТЦ) ёрдамида ташкил этилиб, Европа Иттифоқининг «Ўзбекистон Республикасида минтақавий соғлиқни сақлаш хизматларини такомиллаштириш» номли лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тадбирлардан бири бўлди. Ундан кўзланган мақсад — Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилоятида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва унумдорлигини ошириш эди.

Ташриф доирасида ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари немис ҳамкасбларининг турли юқумли касалликлар ташхиси ва уларнинг эпидемиологик назорати, қон ва бошқа касалликка оид тажрибалари, шунингдек «Шарите» касалхонаси ҳамда Роберт Кох номли юқумли касалликларни тадқиқ қилиш институти фаолияти билан танишдилар.

Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА, Берлин.

Комиссия йиғилиши

2002 йил декабрида мамлакатимизнинг асосий дарёлари ҳавзаларида ёққан ёғингарчилик ўртача йиллик даражадан юқори бўлди. «Бошгидромет» бошқармаси маълумотларига қараганда, баҳор ва ёз ойларида ҳам кўпгина сойларда тошқин ва сел оқимлари ўтиши, шунингдек, кучли ҳодисалари юз бериши мумкин.

Тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кучли ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишида ана шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган ушбу йиғилишда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 мартдаги «Тошқин ва сел оқимлари, кучли ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажариш, мавжуд муаммо ва камчиликларни тезда бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Юсупов иштирок этди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири

Ҳали аҳволни ўнгласа бўлади

ЖИЗЗАХ. (ЎзА мухбири Т.Бекназаров). Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш иқтисодий ислоҳотлар жараёни, пахтачилик ва ғаллачиликнинг бугунги аҳволига бағишланди. Унда республика мутасадди идораларининг мутахассислари, туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар жараёни ўз самарасини бермоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати кенг қулоч отгани деҳқонларда мулкка эгалик туйғусини мустаҳкамлаб, ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлик ортишига самарали таъсир кўрсатаётир. Аммо кўкламнинг серёғин келиши экин мавсумини анча кечиктириб юборди. Вилоятдаги мавжуд пахта майдонларининг ярмидан кўпроғига чигит қайта қадалди. Айни кунда саксон фоиз майдондагина чигит тўлиқ униб чиққанлиги аҳвол бир мунча мураккаб эканлигини кўрсатади. Айниқса, Зафаробод, Арнасой, Зомин, Зарбдор туманларида ғўза парвариши кечикмоқда.

Йиғилишда асосан ғўза ривожидаги сусткашликка барҳам бериш, парваришни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ғўзага ишлов бериш кучайтирилса, мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин, дейишди сўзга чиққан мутахассис ва тажрибали деҳқонлар.

Шунингдек, йиғилишда ғалла парваришини кучайтириш, ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан сифатли ва қисқа муддатларда ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

● ПИЛЛА — 2003

Мамлакатда биринчи

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Термиз туманлари пиллакорлари давлатга жорий йил ҳосил топшириш шартнома режаларини мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар.

Жарқўрғон тумани пиллакорлари тайёрлаган пилла хирмони 117 тоннадан ошди. Эришилган ғалабага Тўхташ Собуров, Ҳамид Олимжон номли ва «Оққўрғон» ширкат хўжаликлари пиллакорлари қути бошига 65-70 килограммдан кумуш тола етказиб, муносиб ҳисса қўшдилар.

Термизлик пиллакорлар етиштирган ҳосил 96 тонналик тош босди. Туман хирмонига «Намуна» ширкат хўжалиги 27,4 тонна, «Дўстлик» ширкат хўжалиги 23,1 тонна, «Янгиариқ» ширкат хўжалиги 11,3 тонна сифатли пилла ҳосили тўкди.

Ҳар иккала туман пиллакорлари қўшимча 13-14 тоннадан сифатли пилла етказиб беришга аҳд қилдилар.

Рамазон АШУРОВ

Тошкентда «Экспо Италия-2003»

Республикамиз ва Италия Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. «Интерэкспо» компанияси Италиянинг Тошкентдаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этган «Экспо Италия-2003» тўртинчи кўргазмаси Ўзэкспомарказнинг 1-павильонида жорий йилнинг 20 майидан 23 майигача ўтказилади.

Кўргазманинг энг муҳим воқеаларидан бири Ташқи савдо миллий институтининг (ICE) қатнашишидир. ICE стенди Италиянинг турли ҳудудларидан 140 та компанияни тақдим этади.

Ушбу кўргазма олдингилари каби Италия ва Ўзбекистон томони учун талаб ва таклифни ўрганиш, бир-бири билан яқиндан танишиш, савдо айланмасини ривожлантириш ва Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий сармояни жалб этишга зарур шароит яратиш учун ажойиб имконият яратади.

«Экспо Италия-2003» кўргазмаси учта бўлинмага ажратилади: «Uzintermebel», «Agrotech», «Uzintex». Бу йил Ўзбекистон, Швейцария, Украина, Беларус, Туркия, Германия, Италиядан иштирокчиларни тўплаган кўргазма халқаро мақомга эга бўлмоқда.

2004 йилдан бошлаб «Интерэкспо» маҳаллий шериклар билан бирга «Uzintermebel», «Agrotech», «Uzintex» бир-биридан мустақил кўргазмаларини ўтказиб, уларни ҳақиқий халқаро ихтисослашган кўргазмаларга айлантиради. Айни пайтда «Экспо Италия» кенг истеъмол моллари, уй ва узоқ фойдаланиш учун товарларга ихтисослашиб, ўз ишини давом эттиради.

Ўз мухбиримиз

Ғолибларни «Матиз», «Дамас», компьютерлар кутмоқда

(Хоразмдан мухбирларимиз Эркин ХОЛБОБО ва Рўзимбой ҲАСАН хабар қиладилар).

Хоразмда ўтаётган «Умид ниҳоллари — 2003» Республика анъанавий спорт ўйинлари якунловчи паллага кирди. Ҳозиргача мусобақа дастуридан жой олган кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, бадиий гимнастика, сузиш сингари турлар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 20 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	636,87	1 Польша злотийси	259,22
1 Англия фунт стерлинги	1581,22	1 СДР	1362,57
1 Дания кронаси	152,88	1000 Туркия лираси	0,65
1 БАА дирхами	264,19	1 Швейцария франки	749,58
1 АҚШ доллари	970,25	1 ЕВРО	1134,71
1 Миср фунти	163,34	10 Жанубий Корея вони	8,13
1 Исландия кронаси	13,42	10 Япония иенаси	84,11
1 Канада доллари	715,26	1 Россия рубли	31,41
1 Хитой юани	117,22	1 Украина гривнаси	181,93
1 Малайзия рингити	255,36		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

✓ МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Ғалла мустақиллиги ноз-неъматлари кўргазмаси!

ёхуд 2003 йил ғалла ўрим-йиғими олдидан Наманганда бўлиб ўтган семинар-кенгаш хусусида

Истиқлол йиллари мамлакатимизда Ғалла мустақиллигига эришилиши билан йил сайин уни етиштириш ҳажми ҳам тобора ортиб бораётир. Қиёслаб кўринг: 1990 йили республикамизда 2 миллион тоннадан ортиқроқ ғалла олинган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 5 миллион 400 минг тоннадан ошди. Ғалла майдонлари ҳам икки баробар кўпайди. Деҳқонлар серҳосил ғалла уруғи навлари етиштириш ҳадисини олишди. Ҳозир деярли барча вилоятларда сара уруғликлар етиштириш кенг йўлга қўйилган.

Бу йил ҳам ҳадемай ғаллага ўроқ тушади. Хирмонларга янги ҳосил тўкилади. Тегирмонлар ҳаракатга келади, тандирлар тўлиб нон ёпилади. Ўзимизнинг донимиз, ўзимизнинг нонимиз..!

«Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси тизимида 2003 йил ғалла ўрим-йиғим мавсуми бошланиши олдидан соҳа мутахассислари иштирокида Наманган вилоятида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда корпорациянинг вилоят акциядорлик уюшмалари раҳбарлари, уларнинг дон қабул қилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, нон корхоналари мутасаддилари, республика акциядорлик тижорат банки «Ғалла банк» мутахассислари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар. Тадбир иштирокчилари Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидаги дон қабул қилиш ва нон ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамда уруғлик учун махсус қоплар ишлаб чиқариш цехларида бўлишди. «Намангандонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти бош корхонасида бунёд этилган ва бир кеча-кундузда 250 тоннагача ун ишлаб чиқариш қувватига эга вилоятнинг Бош тегирмони фаолияти билан танишдилар.

Семинарда «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси раиси Икромхон Нажмиддинов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 майдаги **«2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар, Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов бу йил ҳар гектар ғалла майдонидан 50 центнердан ҳосил олишга бел боғлаган наманганлик деҳқонларнинг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ва юмушлари ҳақида гапирдилар.

Шунингдек, семинар-кенгашда корпорация тизимидаги тегирмонларда ишлаб чиқарилаётган ун турларидан рақобатбардош ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жорий йил ҳосилини қабул қилиш жараёнларида сифатга алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, дон маҳсулотларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва олинган уруғликни дорилаш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Меҳмонлар тадбир давомида юртимизнинг ун маҳсулотларидан тайёрланган хилма-хил нон, макарон ва қандолатчилик турлари қўйилган кўргазмаларда ҳам бўлишди.

Суратларда: семинар-кенгаш иштирокчилари қатнашган ун маҳсулотлари кўргазмасидан лавҳалар.

✧✧✧

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● **ХДП Юнусобод, Ўртачирчиқ ва Чортоқ туман кенгашлари**нинг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия ташкилотларининг МК V пленуми қарорларини бажариш юзасидан вазифалари ҳамда уларнинг «Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилишидаги иштироки масалалари кўриб чиқилди. Йиғилишларда, шунингдек, партия ташкилотлари фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

● **Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят, Наманган шаҳар ва Урганч туман кенгашлари**да ўтган йиғилишларда Олий Мажлиснинг XI сессияси ҳужжатларини аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда «Обод маҳалла йили» дастурини бажаришда БПТлар фаоллигини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

● **Учқўприк туман партия кенгаши** томонидан тумандаги 18 ва 13-мактаб жамоаларида ташкил қилинган «давра суҳбат»лари ҳам давлатимиз раҳбарининг сессияда қилган маърузаси ҳамда ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

● **Паркент туман**даги «Навбаҳор» ширкат хўжалиги ҳудудий партия ташкилотида бўлиб ўтган йиғилиш МК V пленумида кўрилган масалаларга бағишланиб, пленум қарорларининг жойларда ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

● Яқинда **Узун туман партия кенгаши** ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими ҳамкорликда, туман ёшлари иштирокида, «Соғлом турмуш тарзи» мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказдилар. Унда Олий Мажлис депутатлари Б.Шодиева, Ш.Салимова, жамғарманинг Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари Г.Ваҳобова қатнашиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

● **ЎзХДП Урганч туман кенгаши** тумандаги «Қоровул» ва «Қарамон» қишлоқларида, жамоат ташкилотларининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда, «Қўша қариганлар» хайрия тадбири ҳамда «Биз қандай жамиятда яшаяпмиз?» мавзуидаги «давра суҳбати»ни ўтказди. Тадбирларга фахрийлар, жамоатчилик вакиллари ва партия фаоллари таклиф қилиндилар. Унда иштирок этган оилалар ва фахрий отахон-онахонларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

● **Чуст туман партия кенгаши** ташаббуси билан маҳаллаларда «Барқарор бўлсин тинчлик» шиори остида «давра суҳбатлари» бўлиб ўтмоқда. Панзада маҳалласидан бошланган шундай мулоқотлар Яккабулоқ, Сароб, Бирлик маҳаллалари ва «Машъал», «Талаба» ширкат хўжаликларида ҳам давом этди.

● ХДП ФАОЛЛАРИ

Шифокор, устоз, ташкилотчи

Тошкент шаҳар, Сирғали туманида истиқомат қилувчи аёллар Маҳмуда Шукуровани жуда яхши танийдилар. Чунки, Маҳмуда опа 27 йилдирки, тумандаги биринчи туғуруқ мажмуасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Олий тоифали акушер-гинеколог Маҳмуда Шукурова бугунги кунда мазкур туғуруқ мажмуасининг 35 ўринга мўлжалланган «Ҳомиладорлик асоратларини даъволаш» бўлимини бошқармоқда. Унда асосан ҳомиладорлиги асоратли кечаётган оналар даволанади.

— Бир ойда ўртача 100-120 бемор даволанади. Беморларга малакали ходимлар барокамера, физиотерапия, фитотерапия усулларида ҳам хизмат кўрсатади, — дейди Маҳмуда Шукурова.

Опанинг фаолиятига назар ташлар экансиз, унинг нафақат тажрибали шифокор, балки чин маънодаги ташкилотчи, фидойи инсон эканлигига ҳам амин бўласиз. У Сирғали туман хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Аёл, саломатлик ва экология» уюшмасининг раиси, туғуруқ мажмуасидаги ЎзХДП бошланғич ташкилотининг котиби.

Маҳмуда опанинг ташаббуси билан партия бошланғич ташкилоти ХДП туман кенгаши туғуруқ мажмуаси, туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда қатор сиёсий, маънавий тадбирларни ўтказиб келмоқда. Шундай тадбирлардан бири яқинда туғуруқ мажмуасида ўтказилди. «Инсон ҳуқуқлари»га бағишланган бу тадбирда асосий эътибор аёллар ҳуқуқларининг ҳимояланишига ва ХДП Марказий Кенгаши V пленуми, Тошкент шаҳар кенгаши VI пленуми ҳужжатларининг ўрганилишига қаратилди.

(Ўз мухбиримиз)

✧✧✧

Суратларда: бўлим ходимлари; Маҳмуда Шукурова ёш оналар билан суҳбатда.

✧✧✧

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

● ХДП ХАБАРЛАРИ

Ёш парламентчилар мактаби

Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгаши бу ердаги Кимё саноати коллежи раҳбарияти билан ҳамкорликда ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида ҳамда мамлакат парламентининг икки палатали тизимга ўтаётганлиги муносабати билан «Бўлғуси депутатлар» ва «Бўлғуси сенаторлар» бўлимларидан иборат ёш парламентчилар мактабини ташкил этдилар. Унинг машғулотлари давомида ёшлар Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги Қонунлар, мамлакат Конституцияси, Республика Президенти И.А.Каримовнинг нутқ, маруза ва асарларида парламент, демократия, фуқаролар жамияти тўғрисида баён этилган қоида ва хулосалар тўғрисида ҳамда қатор бошқа мавзуларда маърузалар тинглайдилар. Улар шунингдек, амалий ўйинлар, семинар машғулотларида қатнашадилар. Ёш парламентчиларнинг ХДПдан сайланган депутатлар, шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, партия етакчилари билан учрашувлари ҳам мўлжалланмоқда.

Мактабнинг биринчи машғулоти Олий Мажлиснинг XI сессияси якунлари, Юртбошимизнинг унда қилган маърузасида қўйилган вазифаларга бағишланди. Мазкур машғулотда Ангрен шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Б.Юлдашев ва коллеж директори Э.Тўхлиев маруза қилиб, тингловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати

Асосий эътибор — амалий ишларга

қаратилмоғи лозим, деб таъкидланди Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман партия кенгаши навбатдаги пленумида. Пленумда туман партия кенгаши ижроия бюросининг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ва партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП МК V, Тошкент шаҳар кенгашининг VI пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда қатор бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди. Туман партия кенгаши биринчи котиби А.Каримбердиевнинг маърузаси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, В.Воҳидов номидаги Республика жарроҳлик маркази бўлим бошлиғи Ҳ.Оқилов, 46-поликлиника бош врачи Д.Акромова, «Пойабзалчи» АЖ ходими М.Қодирова, «Совпластитал» қўшма корхонаси муҳандиси М.Умарова, «Бўрижар» маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби М.Маҳмудовалар иштирок этган муҳокамаларда амалга оширилган тадбирларга қараганда кўпроқ қилинмай қолган ишларга тўхтаб ўтилди, бунинг сабабларини кўрсатишга ҳаракат этилди.

Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Латиф Руломов ўз сўзида яқинда бўлиб ўтган Марказий Кенгаш ва шаҳар кенгаши пленумлари қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб, бошланғич партия ташкилотлари, туман партия кенгаши ижроия бюроси ҳамда ХДПдан сайланган депутатларни ўзларининг барча куч ва имкониятларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК V пленуми белгилаган устувор вазифаларни бекаму кўст бажариш учун сафарбар қилишга даъват этди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

● ТИЛ СОФЛИГИ — ДИЛ СОФЛИГИ

«ЛУТФИНГИЗГА муҳтож эмасман»

ДЕЯ КУЮНАДИ ШОИР, ТИЛИМИЗДА ФАРҚИГА БОРМАЙ ПОЙИНТАР-СОЙИНТАР ИШЛАТИЛАЁТГАН ҒАЛИЗ ЖУМЛАЛАР ҲАҚИДА ФИКР БИЛДИРИБ

Набирам ўзи ўқийдиган мактабдан таклифнома олиб келди. «Сизни навоийхонлик **тадбирларига лутфан таклиф этамиз»,** деб ёзилибди.

Хайрон бўлдим. Буни ўрта мактабда фарзандларимизга ўзбек тилидан сабоқ берадиган муаллимлар ёзгани аён. Чунки навоийхонлик тадбирларини албатта тил ва адабиёт ўқитувчилари ташкил этишади. Бас шундай экан, улар тилимиздаги сўзлар маъносини билишлари керак. Айниқса, гап бутун умрини тилимиз софлиги ва бойлигини намойиш этишга бағишлаган ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тарғиб қилишга бағишланган тадбир устида кетганда унинг руҳи-ҳурматидан айтиладиган ҳар бир сўз мағзини чақиш лозим.

Хўп, шундай тадбирларга меҳмонларни лутфан таклиф этишни нима деб тушуниш керак? Ахир «лутфан» сўзи «лутф-илтифот кўрсатиш» маъносини англатади-ку. Бошқача айтганда сени шу тадбирга чорлаб, марҳамат кўрсатяпман, дейилмоқчи. Нега энди мезбонлар меҳмонни лутфан таклиф этадилар? Келадиганлар уларнинг илтифотига зорми?

Тасаввур қилинг, бировга эҳтиром кўрсатмоқчисиз. Сиз унга камситувчи сўз айтсангиз буни қандай қабул қилади? Наҳот бу таклифномадан сенга илтифот кўрсатиб, шу тадбирга таклиф қиляпман, деган маъно чиқишини ўзбек тили ва адабиёти муаллимлари билишмаса?!

Аслида бу тадбирга **лутфан ташриф буюришингизни сўраймиз,** дейилиши керак. Шунда меҳмондан марҳамат сўралган бўлади. Акс ҳолда тўйга, тадбирга таклиф этилаётган одам, агар у ўзбек тилини чуқурроқ билса, «мен лутфингизга муҳтож эмасман» дейиши мумкин.

Тилимизда жарангдор, товланувчи сўзлар кўп. Уларни маъносига эътибор бермай, пала-партиш, дуч келган жойда ишлатавериш тилимизнинг софлигига путур етказиши табиий. Ачинарлиси шундаки, фаолияти тил ва адабиёт билан боғлиқ бўлмайдиган соҳалар кишилари эмас, балки муаллимлар, журналистлар, санъаткорлар кўпинча жимжимадорликка берилиб, нима деяётганларини унутиб қўядилар.

Ҳозир нима кўп — газета. Вилоятларда, турли тизимларда газета нашр этиш жазаваси шундай авж олдики, ҳатто ошхоналар ҳам ўз газеталарини чиқара бошладилар.

Намангандa чиқадиган кўп нусхали газеталардан бирида сондан-сонга ўтказиб бир қисса босила бошлади. Ҳар бир сонда келгуси сонда нималар ёритилиши ҳақида хабар (анонс) берилганда **«Сиз севган қиссанинг давоми»** деган ибора такрорланади. Ҳали қисса тўла босилмаган бўлса, ўқувчи уни ўқиб бир фикрга келмай туриб қандай қилиб «севган қисса» бўлиб қолди? Бу ибора ўйлаб ёзилганми, ё фарқига бормай айтилганми? Буниси ҳам майли, қиссанинг муаллифи ана шу газета муҳаррири вазифасини бажариб турган одамлиги, ўз «асари» ҳақидаги бундай баландпарвоз гап остига ўзи имзо чекиши кулгили. Камтарликни қаранг!

Одам бошқа бировга сизни севаман, сизни ҳурмат қиламан, деб изҳори дил этиши мумкин. Аммо кўзингизга қараб туриб, сиз мени севасиз, деса эриш туюлмайдими? Бундай гапни айтган одамга ҳайрон бўлиб қарайсиз, саломатлигидан шубҳаланасиз. Бу энди ўзини мақташ ёки ўша одамга туҳмат. Бундай довдираш шунчалик газак отдики, радио ва телевидениенинг реклама тасмаларида дуч келган одамни ё санъатчини (санъаткорни эмас) **«сиз севган фалончи»** жумласи чиқиб келавериш-дан тингловчи чарчаса чарчайдики, реклама ташкилотчилари чарчамайдилар.

Ҳали ҳаваскорлик даражасидан ўтмаган, санъатда ўрнини қачон топиши ҳам аён бўлмаган ёшларни **«эстрадамизнинг ёрқин юлдузи», «ўзбек эстрадасининг бетакрор юлдузи»** каби иборалар билан безаб ташлайдиларки, «юлдуз»лар ичида ўзингни ерда эмас, осмонда юргандай сезасан.

Ҳей, барака топгурлар, сал инсоф қилинглар, ҳар бир тутаб турган сигарет чўғи юлдуз бўлавермайди. Худо кўрсатмасин, сизлар айтаётган «юлдуз»лар бу дабдабали баҳоларга ишониб қолгудай бўлса, уларни ерга қандай қайтариб олиб тушамиз?

Бу ҳам етмагандай **«энг ёрқин юлдузлардан бири»** деган ибора пайдо бўлди. «Энг» деган сифатлаш, ундан зўри йўқ деган маъно англатмайдими? Шундай бўлгач, унинг «бири» яна қайдан чиқди?

Бундай суханбозликлар замирида ишлатилаётган сўзнинг мазмунини тушуниб етмаслик ётади. Бир сўз билан айтганда нимани ва кимни севишни, қўшиқчининг «юлдузи»нию, «энг сараси»ни танлашни одамларнинг ўзига қўйиб берайлик. Уларнинг ёқасидан олиб «сен буни севасан» деб тиқиштиравермайлик, садағанг кетайлар!

— Албатта, бозорга солинадиган нарса мақталади. Бунингсиз иложи йўқ. Лекин гап инсон ҳақида, унинг иқтидори, ижодий маҳсули ҳақида кетганда самимият бўлиши керак. Ўзбек тилининг бойлиги қаттиқ бақириш, ўзимиз маъносини англамаган ҳолда пойинтар-сойинтар сўзбозликда эмас, балки туйғуларни изҳор этадиган калимани топиб ишлатишда намоён бўлади.

Бақириқ-чақириқлар, оғизга келган ҳар бир гапни шовқин-суронли мусиқага қоришириб қўшиқ, деб тақдим этишлар ҳозирги қўшиқчилигимизда авж олиб кетгани ҳақида «Ўзбекистон овози» бир неча бор бонг урди. Ўзбекистон телевидениеси ҳузуридаги бадиий кенгаш йиғилишлари ошкора намойиш этилди. Нисбатан қўшиқчиликда (айниқса, эстрадада) ижобий ўзгаришлар содир бўлаётгандай. Лекин яқинда ғалати ҳолатни кузатиб қолдим. Ўз иқтидори билан томошабин меҳрини қозониб келаётган бинойидай бир қўшиқчи ўзининг янги қўшиғини тақдим этди. Қўшиқнинг ҳар бандидан кейин бирдан оҳанг енгил куй билан алмашиб унга жўр бўлиб турган беш-олти йигит «лалалай-лай, лалалайлай» деб шоду ҳуррамлик билан қилпанглаб кетадилар. Албатта, ўша қўшиқчи ҳам ана шу шодиёнани баҳам кўради. Қўшиқ:

«Жондан севган ёримни
Ўз севгани бор экан»,

деган сатрлар билан тугайди. Қўшиқчи буни ғамгин оҳангда бир неча бор такрорлайди ва яна кўнгли тўлмайди чоғи шеър қилиб, «оҳ» билан ўқийди ва бирдан ҳурсанд тарзда, лалалай-лай, лалалайлай» дея қилпинглаб, ҳалиги рақсга қўшилиб кетади.

Ё парвардигор! Ошиқ ўзбек йигити ҳолатини бундай манзара билан бериш нимани англатади? Лирик қаҳрамон (шундай атай қолайлик) кўнгил қўйган қизининг ўз севгани топилиб қолганидан наҳот шунча хурсанд бўлса?! Ҳақорат эмасми, бу?!

Бир неча йил муқаддам ўтганларни зиёрат қилиш мақсадида қабристонга чиққан эдим. Бир қабр устида чўкка тушиб тиловат қилаётган қадрдонимни кўриб қолдим. Ёнига чўкдим. Юзимизга фотиҳа тортиб ҳол-аҳвол сўрашгач, қабр тошидаги «меҳрибон волидам, юрагимдасиз» деган сўзларга кўзим тушдию:

— Онангиз шу ерда ётганларми? — деб сўрадим.

— Йўқ, отам ётганлар.

— Қайси қабрда?

— Мана шу қабр отамларники...

— Волидам, деб ёзибсизлар-ку!

— Ҳа, волидамиз!

— Волида ота эмас, она бўлади. Ким сизга ота, деб айтди?

— Ҳа, бир қабр тошидаги ёзувдан кўчириб олувдик...

Олтмишни қоралаган, касби қурувчи-муҳандис бўлган бу одамнинг шу ёшга келиб волида сўзининг маъносини билмаганидан бир ҳайрон бўлсам, бошқа қабр тошидаги ёзувни суриштирмай кўчирганидан баттар ажабланган эдим.

Бугун бир кунда тўю-ҳашамларга, ташкилотлар ўтказадиган тадбир ва маросимларга ўн жойдан таклифнома олсангиз шундан тўққизтасида «лутфан» таклиф этилган бўласиз. Эфирда ё концерт залларида ўнта қўшиқ эшитсангиз, камида беш-олтитасининг матни «қўлбола» бўлади, эрталабдан кечгача реклама эшитсангиз нуқул баландпарвоз, ялтироқ сўзлар тилнинг ғализлиги, сўзнинг ўз ўрнида ишлатилмаганидан ранжиб кетасиз.

Энг аламлиси менинг қурувчи қадрдонимга ўхшаб отасини волидам, деб юрганлар биз саҳнада, эфирда айтаётган, ўзимиз маъносини тушунмай ишлатаётган сўзларни адабий тилда шундай бўлса керак, деб қабул қиладилар.

Хуллас, таълим ва тарбия ишига масъул муаллифлар, фаолияти ёзиш, саҳна ва эфирда гапириш билан боғлиқ ҳар бир зиёли тилимизнинг софлиги, сўзларимиз маъносини одамларга етказиш йўлида курашмоғи керак, деб ўйлайман. Тилимиз — ўзлигимиз, уни ҳар қандай йўсинда бузиш, маъносини англамай ишлатавериш ҳазрат Навоий руҳига, ўтган аждодларимиз руҳига ҳурматсизлик, ўзлигимизни камситиш бўлмайдими?

Ҳабиб САЪДУЛЛА, Ўзбекистон халқ шоири

● ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

ВАЗИРЛИКДАН

ЁКИ ВИЛОЯТ МИҚЁСИДАГИ БАЪЗИ РАҲБАРЛАРНИНГ

Марғилон шаҳрида яшовчи Салимахон Ҳамидова ўз шикоят хатида жумладан шундай деб ёзади: «Мен наинки адолатсизликка учрадим, балки инсоний ҳақ-ҳуқуқим поймол этилиб, ишдан ноҳақ ҳайдалдим, ҳаммадан ачинарлиси, мени шу қўйга солган Тошлоқ тумани молия бўлими мудири А.Раҳмоновнинг жиноий кирдикорларига мутасадди раҳбарлар томошабин бўлиб қараб турибдилар...»

Шикоятчи тўплаган икки папка ҳужжат билан танишамиз.

1998 йилнинг июль ойида С.Ҳамидова Тошлоқ туман молия бўлимига 1-тоифали иқтисодчи лавозимига ишга қабул қилинади. 1999 йил май ойида Аваз Раҳмонов молия бўлимига мудир этиб тайинланади. Шикоятчининг ёзишича, 2000 йил 5 декабрь куни «Мен сизни ишга олмаганман, сизни прогноз бўлимига, оналик таътилидаги Г.Эминованинг ўрнига ўтказаман» деган таклиф ва бир қоп қуруқ ваъда билан уни бошқа бўлимга ўтказади. 2001 йил августда эса Г.Эминова муддатидан олдин ишга чиқади-ю, С.Ҳамидова туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-болалар боғчасига ҳисобчи вазифасига ўтказилади.

Табиийки, Салима Ҳамидова бундан норози бўлади. Ростдан ҳам унга нисбатан нега бундай муносабатда бўлинди? Салима Ҳамидованинг айтишича, у молия бўлимида ишлаётганида (2001 йил март ойида) Тошлоқ тумани прокуратураси туман халқ таълими тизимида бюджет маблағини мақсадли сарфланиши юзасидан тафтиш ўтказган. Ушбу текширув гуруҳи таркибида С.Ҳамидова ҳам бор эди. Текширув жараёнида молиявий қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланган. Кейинчалик негадир бу масала эътибордан четда қолади. Ҳамидова эса текширув далолатномалари нусхаларини туман прокуратурасига топширади. Унинг бу хатти-ҳаракати текширув натижасига дахлдор бўлган раҳбарларга ёқмайди. Салима Ҳамидованинг фикрича тартиббузарликларга қарши чиққани учун балога қолган.

Бунинг устига С.Ҳамидова бизга тақдим этган ҳужжатларда болалар боғчасида ҳам молиявий қонунбузарликлар содир бўлган. У бу ҳақда ҳам тегишли идораларга мурожаат қилади.

Шундан сўнг уни «шикоятчи» дея турткилай бошлашади.

Ҳақли савол туғилади: вилоят молия бошқармасидагилар бу масалага қандай қарашган? Шикоятчи Фарғона вилояти Молия бошқармаси бошлиғи М.Маннаповга 2002 йилнинг 25 январида ариза билан мурожаат этади. Бошқармадагилар эса масалани ҳал этишга шошилишмайди. Вилоятнинг турли идораларига шу масалада шикоятлар ёмғири ёғила бошлади. Ва ниҳоят вилоят Молия бошқармаси бошлиғи М.Маннопов (негадир 25 январда ёзилган шикоят хатига 15 январда!) аризачи учун қониқарсиз жавоб хати йўллади. Можарога Тошлоқ туман ҳокимияти аралашуви натижасида ҳуқуқшуносларидан иборат махсус комиссия масалани ўрганиб чиқади ва 2002 йил 31 январида келишув битими тузилади, жабрланувчи С.Ҳамидова ноҳақ ишдан бўшатилганлиги, унинг фуқаролик ва конституцион ҳуқуқлари маълум даражада чекланганлиги учун айбдор (Аваз Раҳмоновдан) етказган моддий зарари — 60 минг сўмни ихтиёрий равишда тўлади. Шунингдек, 2002 йил 22 январдан 2-сонли буйруққа асосан С.Ҳамидова Тошлоқ туман молия бўлимига ҳисобчи лавозимига тикланди.

Ҳақиқат қарор топди. Иш бор жойда камчилик бордир, буни тушуниш мумкиндир, хатони тан олиш марднинг иши, тузатиш бўлса олижанобликдир. Шикоятчининг талаби қондирилибди-ку, яна нима керак деб ўйлаш мумкин?

Шикоятчи ишга тикланди-ю, ғалати воқеалар бошланди. Чунки, 22 январдаги 2-сонли буйруқ йўқолиб қолди.

Ҳамидованинг меҳнат дафтарчасига қалбаки ёзувлар ёзилди.

Биз аризачининг хатидан айнан парча келтирамиз:

«БУЙРУҚ №3
23 январь 2002 йил
Тошлоқ шаҳарчаси
Ҳамидова Салима: Вилоят Молия бошқармасидан доимий буйруқ чиққунга қадар 2002 йил 23 январдан туман молия бўлимига вақтинча ишга қабул қилинсин, иш ҳақи штатлар жадвалига мувофиқ тайинлансин.
Асос: С.Ҳамидова аризаси.
Туман молия бўлими мудири А.Раҳмонов».

Одатда, шундай вазиятда изоҳга ҳожат йўқ, деймиз. Бизнингча, изоҳ керакка ўхшайди...

(2002 йилнинг 19 августидан ишламай келяпти) турли ташкилотларга ёрдам сўраб аризалар ёзяпти.

2000 йилнинг 22 апрелида сида айнан, бюджет маблағларидан фойдаланиш аҳволи юзасидан вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан Тошлоқ туман ХТБда текшириш ўтказиб, 3 миллион 815172 сўм маблағ мақсадсиз сарфланганлиги аниқланган. Ана шу текширув натижасига кўра, рағбатлантириш мақсадида вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ҳисоб рақамига 2000 йил 16 октябрь (!) куни 431-сонли тўлов топшириқномасига асосан ундирилган маблағнинг 15 фоизи — 578250 сўм ўтказиб берилган.

2001 йилнинг март-май ойларида вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан ўтказилган текшириш натижасида эса туман ХТБсида бюджетнинг 3814246 сўми мақсадсиз сарфланганлиги аниқланган.

Юқоридаги фикрни давом эттириб, яна бошқа фактларни ҳам шарҳлаб ўтишимиз мумкин. Лекин хулоса чиқариш учун мутасадди идоралар кўпдан-кўп маълумотларга аниқлик киритиш лозим бўлади. Биз масаланинг бошқа бир жиҳатига алоҳида тўхталмоқчимиз.

Халқаро Оила куни ига бағишланди

Куни кеча «Халқаро Оила куни» муносабати билан «Экосан» халқаро жамғармасида «Оила саломатлиги ижтимоий экологик ўлчамларда» мавзуида уюштирилган учрашувда жамғарма раиси Ю.Шодиметов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош котиби Кофи Аннаннинг табригини ўқиб эшиттирди. Йиғилишда табиатни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларнинг олдини олиш, маҳаллаларда барқарорликни таъминлашда оиланинг ўрни, оила манфаатларини таъминлашнинг қонуний асослари, оила саломатлигида санитария ва гигиена, тиббий маданиятнинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзининг шаклланиши ҳамда ислом динида оилавий муносабатлар масалалари бўйича алоҳида чиқишлар бўлди. Айниқса, «Оила қонун ҳимоясида», «Оилада саломатлик омиллари», шунингдек, «Оила тотувлиги ва тинчлигида кексалар ўрни» каби мавзулардаги чиқишлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА

● ЯНГИ АНЪАНАЛАР

ТАСАВВУР

Кейинги ўн-ўн икки йил орасида Жиззахни кўрмаган, вилоят ва унинг маркази, туманлари, қишлоқлари ҳақида илгаридан ўзича эски бир тасаввурда юрган одам бугун бориб кўрса, ишонинг, фикрлари кескин ўзгариб кетади. Вилоятда ҳаёт ўзгаряпти, одамларнинг яшашга, юртга, ерга, меҳнатга муносабати ўзгаряпти.

Яқинда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ташаббуси билан Жиззахда ўтказилган «Маънавият кунлари» иштирокчилари бунга амин бўлдилар.

— Одамларимизнинг ишлаб чиқаришга, ерга, мулкка, охироқибат Ватанга муносабати ўзгариб бораётгани, яратиш туйғусининг кучаяётганини мен маънавий ислоҳотларнинг бевосита ҳосиласи, деб биламан, — деди вилоят ҳокими Убайдулла Ямонқулов. — Вилоятимизда «ширкат хўжалиги», «жамоа хўжалиги» деган гаплар қолмади: юз фоиз фермер хўжалигига ўтилди. Одамлар манфаатли меҳнат қилиш имконияти берилганидан мамнун бўлиб ишлаяпти. Ғалла кўпайди. Деҳқоннинг хонадонида дон бор. Шундай ўзгаришларга эришганимиз учун халқ бошқа кўплаб ҳаётий муаммоларни ҳам ҳал эта боришимизга катта ишонч билан қараяпти.

«Маънавият кунлари» дастурида шакл ва мазмун жиҳатидан турли тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган эди. «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимининг муҳташам мажлислар залида бўлиб ўтган маънавий-маърифий анжуман айнан «Мустақиллик ва миллий ғоя» мавзуини ёритишга бағишланди.

Унда истиқлол ва маънавий-маърифий ислоҳотларнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, мамлакатимизда устувор йўналиш сифатида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлардан кўзда тутилган мақсадлар таҳлил этилди, жумладан, бу соҳада жойларда йўл қўйилаётган айрим хато ва камчиликлар ҳақида ҳам сўз борди.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги бош директори ўринбосари, шоир Саъдулла Ҳаким, Олий Мажлис депутати, «Маънавият ва маърифат» маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари, шоира Гавҳар Ибодуллаева, «Маънавият ва маърифат» маркази Наманган вилояти бўлими раҳбари, шоир Зиёвуддин Мансур ва бошқалар сўзга чиқиб, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан муносабат билдирди, шунингдек, янги шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Маънавиятнинг бир мезони – ижод. Қайси юрт аҳли, хусусан, ёшлари орасида адабиёт ва санъатга иштиёқ кучли бўлса, ўша ерда ҳаётсеварлик, яратувчиликка интилиш бор.

«Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими кўргазма залида маънавий-маърифий анжуман қатнашчилари жиззахлик ёш рассомларнинг асарларидан намуналар томоша қилишди. Шунингдек, кўргазмага Озарбайжон Республикасидан тақдим этилган ёш рассомлар асарлари ҳам қўйилди.

Ўша куни илмий-амалий анжуман бошланишидан олдин ёш рассомлар Жиззахнинг очиқ табиати қўйнида «бадиҳа» йўли билан расм чиза бошлади. «Маънавият кунлари» иштирокчилари ёш рассомлар чизган суратлар кўрик-танловида Беҳзод Абдуллаевнинг «Жиззах манзаралари» асарини ғолиб деб топишди. Муаллифга «Ислом Каримов» альбоми совға қилинди. Унинг қувончини кўрсангиз эди...

Бугун шаҳар ва қишлоқларимизни янги қурилган коллежларсиз тасаввур қилиш қийин. Меҳмонлар Жиззах транспорт-алоқа коллежига кириб келганида ўқувчилар уларни баҳор гуллари билан қарши олди. Пойтахт ва турли маъмурий ҳудудлардан келган мутахассисларнинг чиқишлари, шунингдек, жиззахлик шоиралардан Шарофат Ботирова ва Зулфия мукофоти соҳибаси Гулруҳ Мухторовалар ўқиган шеърлар, Бахтиёр Холхўжаев ижро этган қўшиқлар, қизғин савол-жавоблардан одамлар, хусусан, ёшлар маънавий суҳбатларга қанчалар муштоқ экани аён бўлди. Учрашувда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, Ироқ атрофидаги масалалар, турли мафкуравий таҳдид ва ахборий хуружларга қарши курашнинг аҳамияти ҳақида қизғин фикр алмашув бўлди.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари ҳузуридаги тадбир ниҳоятда таъсирчан ўтди. Албатта, бу даргоҳда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида туғилиб ўсган жасур йигитлар таълим олади. Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган вакилларнинг сўзларини улар жон қулоқлари билан эшитишди.

Ҳарбий ўқув гуруҳи раҳбари, катта лейтенант Шокирбек Холиқовни муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов даст кўтариб суратга тушганлар. Билим юрти бу шеркелбат йигитга алоҳида ҳурмат билан қарашар, унга ҳавас қилишар экан.

Шокирбек сўзга чиқиб:

— Биз Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлиши учун, керак бўлса, жонимизни ҳам аямаймиз, десак, буни сирасира баландпарвоз гап деб тушунманг! – деганида зал қарсақдан ларзага келди ўзиям...

Ўсматнинг тепароғида Новқа қишлоғи бор. Унинг булоғи муқаддас қадамжо. Маҳаллий аҳоли булоқ бошидаги қабрда Соҳибқирон Амир Темурнинг синглиси ётибди, деб ҳисоблайди. Гўзалдан гўзал бир макон.

Дарахтлар соясидаги сўриларда туманнинг кекса отахону онахонларига жой қилинган. Йиғилганлар билан бир пиёла чой устида суҳбат қурилди. Пойтахтдан, республика ҳудудларидан келган меҳмонлар сўзга чиқди. Хусусан, шўро даврида виждон эркинлигини истаб, кўп йиллар қувғинларда яшаган Абдуғаффор ҳожи Аҳмедовнинг шукронаси, ҳаётий мисолларга бой сўзлари тингловчиларга таъсир этди.

Туман ҳокими М.Қаршибоев Бахмалдаги бунёдкорликлар ҳақида сўз очди:

— 19 минг 800 гектар ер майдони 868 фермер хўжалигига берилган. Шундан 749 таси ғаллачиликка ихтисослашган. Қисқа даврда 1 стадион, 2 бозор, 1 қишлоқ врачлик пункти, 1 маҳалла маркази, 2 маҳалла гузари, 1 маиший хизмат кўрсатиш мажмуи, 2 хотира хиёбони, 5 кўприк қурилди. 3,9 километр газ қувури ётқизилиб, 5 минг хонадон газлаштирилди. 8 километр жойга сув тармоғи ўтказилди. 4 ёпиқ спорт зали, икки қаватли 1 мактаб қурилиши тугалланиш арафасида. Туманда 1000 дан ортиқ тегирмон ишлаб турибди. Ҳамманинг уйида пешона тери билан етиштирган ғалласи бор. Деҳқон ислоҳотлар моҳиятини, ишламасак, тишламаслигимизни тушуниб қолди. Ерга муносабат тамоман ўзгариб бораётир. Ҳатто, одамлар шу пайтгача ҳеч қачон экин экилмаган қия қирларгача нўхат уруғи қадаб чиқди...

Кексалар ҳузурида шеър, қўшиқ, куйлар янгради.

Бахмал туманидаги қишлоқ хўжалиги коллежида ҳам жонли мулоқот бўлиб ўтди.

Замон ўзгаряпти. Ёшу кексанинг фикри, дунёқараши ҳам бошқача бугун. Ҳар биримиз юрт тақдирига масъул эканлигимизни тобора чуқурроқ ҳис этаяпмиз. Энг катта маънавият — шуни англаш.

Анъана нима ўзи? Ҳар ҳолда, бир одат, қоида, расм такрорланса, анъана ҳисобланади. Лекин анъаналар ҳар доим янгиланиб бораверади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри вакилларининг якдил фикри шу бўлдики, Жиззахда ўтказилган «Маънавият кунлари» анъана тусини олиши, ҳар бир ҳудудда шундай маънавий-маърифий тадбирлар мажмуини ўтказиш керак.

Навбат — Навоий, сўнг Наманган вилоятига.

Султонмурод ОЛИМ,
республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари.

Террорчилик ҳаракатлари сабаб...

Ўтган шанба ва якшанба кунлари Қуддус ва Хеврон шаҳарларида содир этилган террорчилик актлари яна дунё аҳлини ларзага солди. Жаҳон жамоатчилиги уни қораламоқда.

Исроил — Фаластин муносабатлари энди-энди илиб бораётган эди, яъни шанба куни Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан Фаластин ҳукумати бошлиғи Маҳмуд Аббос ўзаро ҳамкорлик ва тинчлик сари қадам қўйиш учун тарихда биринчи бор музокара столига ўтиришган эди, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида. Бироқ...

Гап шундаки, шанба куни Хеврондаги яҳудийлар мавзесида террорчи-камикадзе ўзини портлатиб юборганди. Якшанбада эса Қуддус шаҳрининг Гиват-Царфатит чорраҳасида йўловчи автобуси портлатилди. Шу иккала портлаш натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди, 20 дан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олди. Кеча эрталаб эса Кфар Даром тумани (Ғазо сектори)да портловчи моддалар билан қуролланган яна бир террорчи-камикадзе Исроил армиясининг ҳарбий патруллари кетаётган «Жип» автомобилига мотоциклда етиб олиб, ўзини портлатди. Натижада ҳарбийлар яраланди. Террорчилик ҳаракатларидан жароҳат олганларнинг барчаси шифохоналарга ётқизилди.

Бу ҳаракатларни Хамас гуруҳи экстремистлари ўз бўйинларига олишди. Маълум бўлишича, автобусни портлатган Хеврон политехника институтининг 19 ёшли талабаси Жамол ал-Тахрури Хамас гуруҳи фаолларидан бири бўлган.

Кўп сиёсатчи-кузатувчилар бу террорчилик ҳаракатлари шанба кунги Исроил — Фаластин музокараларига қарши қаратилган, дея ҳисоблашмоқда эди. Бироқ, Хамас гуруҳи раҳбарларидан бири Абдул Азиз Ар-Рантиси бу тахминларни рад этди.

Террорчилик ҳаракатлари боис Ариэл Шарон АҚШга сафарини бекор қилди. Исроил ҳукумати томонидан ўтказилган фавқулодда махсус йиғилиш Фаластин автономияси назоратидаги ҳудудларни якшанба кечасидан мусоҳара этишга қарор қилди. Жумладан, Самарие, Иудей ва Ғазо секторида ҳаракатланиш тўхтатилди. Бундан ташқари ташқи ишлар билан шуғулланувчи мансабдор шахсларнинг Фаластин раҳбарлари билан мулоқотга киришишлари ҳам тақиқлаб қўйилди.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, содир этилган террорчилик ҳаракатлари Маҳмуд Аббос билан бўладиган музокараларга асло тўсқинлик қилолмайди, деди Ариэл Шарон.

Шу ўринда айтиш лозимки, якшанба куни Европа давлатлари ички ишлар вазирларининг Испаниядаги учрашувида Италия, Франция ва Буюк Британия вакиллари жаҳон жамоатчилигини яширин фаолият юритаётган террорчи ташкилотлар хавфидан огоҳ бўлишга чақирди.

«Дунёда яширин террорчилик ташкилотлари ҳали фаолият юритмоқда. Улар кутилмаган пайтда «подполье»дан чиқиб, турли нохушликларни содир этишлари мумкин» дея баёнот берди Италия ички ишлар вазири Жузеппе Пизау. Испания ички ишлар вазири Анхел Асебеснинг айтишича, ҳеч бир давлат содир этилиши мумкин бўлган террорчилик актларидан ҳали тўлиқ ҳимояланмаган. Ҳатто хавфсизлик чоралари кучайтирилган Марокашда ҳам ўтган жумада террорчилик актлари содир этилди. Маълумотларга қараганда, дастлаб қабристонда, кейин «Самир» меҳмонхонасида, ундан сўнг «Каса де Эспанья» ресторани ва Бельгия консулхонаси ёнида портлашлар содир этилди. Натижада террорчилар 40 кишининг умрига зомин бўлди.

Демак, бугунги кун талаби шуки, огоҳлик ҳар бир киши учун долзарблик ҳиссини уйғотиши шарт.

Қўш дипломли бўлишади

БУХОРО. (ЎзА мухбири И.Сафаров). Франциядаги Парижсюд-XI университети президенти Шапизи бошчилигидаги делегация аъзолари Бухоро давлат университетида бўлди.

2001 йилнинг сентябрь ойида икки олий ўқув юрти ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Унга биноан ҳар икки университет талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг ўзаро тажриба алмашуви йўлга қўйилди. Яқин кунларда Бухоро давлат университети иқтисодиёт факультети талабалари масофадан туриб ўқитиш асосида француз профессор-ўқитувчиларидан таълим ола бошлайди. Шу тариқа улар икки олий ўқув юрти дипломини олиши мумкин. Кейинчалик бухоролик талабалар физика, математика, кимё-биология, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича ҳам Интернет орқали француз университетида ўқиб, мутахассис дипломига эга бўлишади.

РУХСАТ БОРМИ?..

МУХБИРГА ҚЎЙГАН ТАЛАБИ ҲАҚИДА

С.Ҳамидова ёки бошқа шикоятчилар тинмай юқори ташкилотларга арз-дод қилмоқда. Ўнлаб шикоятчилар билан учрашганимизда: «Бизни яхши қабул қилишмаяпти, туманда ёки вилоятда раҳбарлар дардимизни эшитишмаяпти. Шунинг учун газеталарга, юқори ташкилотларга ёрдам сўраб мурожаат қиляпмиз» деган гап-сўзларни айтишяпти. Афсуски, баъзи раҳбарлар шикоятчи кўтарган муаммо билан шуғулланиш ўрнига, унинг ўзи билан шуғулланишга кўпроқ эътибор бераётганга ўхшайди.

Шикоятчининг аризасини узоқ суриштирув, текширувлардан сўнг ҳам хулоса чиқаришга шошилмадик, назаримизда, ҳали калаванинг учини топилмагандай эдик. Масалага ойдинлик киритиш учун Фарғона вилоят молия бошқармаси бошлиғи Мухтор Маннановга мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Афсуски, «қабулхона»дан нарига ўтолмадик, гарчи бошқарма бошлиғининг хонаси очиқ бўлса-да: «Аввало у киши йўқ, мен кичкина одамману, лекин, шундай бўлсаям бу масала билан у одам шуғулланмайди, назорат-тафтиш бошқармасига боринг» деган рад жавобини олдик. «Бир кичикнинг, бир каттанинг гапига кир» деган нақл бор. «Кичик»нинг маслаҳатига қулоқ солдик.

Республика Молия вазирлиги Фарғона вилоят бошқармаси назорат-тафтиш бошлиғи Бахром Мирзаевнинг яна бир «кичик» ходими билан узоқ музокарадан сўнг (очиғи, сал сурбетлик қилиб) у кишининг қабулига кирдик. Мақсадимизни айтиб улгурмасимизданоқ:

— Сиз бу савол билан вазирликка боринг, — деди у норозилигини намойишкорона билдириб. — Умуман, сиз айтган сумма «жамғармага» тушган, ҳеч нарсага жавоб бериш... Ўчиринг, мана буни! (у диктофонга ишора қилди)

— Қайси жамғармага? — сўрадик.

— ...

— Айтинг-чи, нега унда сумма мана бу — 21504000000216261001 ҳисоб рақамига — тушган... Бу кимнинг ҳисоб рақами?

Бахром Мирзаев жавоб бериш ўрнига диктофонни қўлига олди-да, истеҳзо билан шундай деди:

— Сўроқ қилишга нима ҳаққингиз бор? Қани вазирликдан рухсат?.. Биз буни тегишли идораларга топширамиз, аниқлаймиз. Сизларни ким жўнатган, истасак мана буни йўқ қиламиз(у қўлидаги диктофонга ишора қилди).

— Бахром Мирзаевич, бундай қилишга ҳаққингиз йўқ, дарҳол диктофонни қайтаринг, бу хатти ҳаракатингиз: «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунига зид-ку, — дедим.

— Яна айтаман, бу масалада вазирликнинг рухсатисиз ҳеч қандай журналистни қабул қилмайман, рухсат олгач фақат ёзма равишда саволларингизни «ўринбосарим»га қолдиринг, қани... — эшикни кўрсатади у.

Начора, биз ўзимизни қизиқтирган барча саволларни ёзма равишда ёзиб қолдирдик. Афсуски, ҳозиргача ҳеч қандай жавоб ололмадик. Албатта, танқид, суриштирув асалмидики, бировга ёқса. Бошқармадан чиқа туриб, вилоят Молия бошқармаси бошлиғининг хонасига ходимларнинг кириб-чиқиб турганини кўрдикда, «чиқмаган жондан умид» қабилида иш кўрдик. Турган гап, бошлиққа бу ёқмади. Мақсадга ўтдик.

— Нега қайтарилмаган давлат маблағи ҳисобидан 15 фоизлик...

— Ким айтди сизга ундирилмаган деб? Маълум қисми қайтарилган. Кейин бир оғиз саволингиз бўлса вазирликка мурожаат қилинг, Ҳамидованинг шикоятини умуман текширишни биз «тўхтатганмиз», сизлар билан ади-бади айтишишга вақтим йўқ, вазирликка боринг...

— Мухтор Маннонович, нега энди бевосита сизнинг тасаррўфингизда бўлган тизимдаги чалкашликнинг тугунини биз вазирликдан бориб аниқлашимиз керак? — сўраймиз бошликдан.

— Бу бизнинг ишимиз, вазирликка мурожаат қилинг вассалом, ҳеч қандай ахборот беришга мажбур қилолмайсиз. Сўроқ қилишга эса ҳаққингиз йўқ. Ким сизга бундай ҳуқуқни берган?..

— «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунда журналистга текширув чоғида керакли факт, рақамларни аниқлаш ҳуқуқи берилган.

— Қани, бир хонамни бўшатиб қўйинг-чи, — у шартта ўрнидан туриб эшикни кўрсатди.

Назаримизда, у куч ишлатишга ҳам тайёр руҳий ҳолатда эди. Тўғриси, шундай нуфузли идора раҳбари ўзини шундай тутиши бизни лол қолдирди.

Аммо унинг билан бўлган учрашувдан сўнг хаёлимга бир фикр келди: фарғоналик аризачилар шикоятига сабаб ҳам ана шунақа муомалалар эмасмикин? Аризачи гоҳ ҳақ, гоҳи ноҳақ ҳам бўлиши мумкин. Баъзан тушуниб-тушунмай шикоят ёзадиганлар ҳам бор. Лекин, каттами-кичикми ҳар бир раҳбар ўз вазифаси, бурчи тақоза билан одамлар дардига, арз-ҳолига сабр-тоқат билан қулоқ солиши, тушунтириш зарур эмасми. Ахир ҳар бир катта-кичик раҳбар одамлардан ўзини устун қўйиш, калондимоғлик қилиш ўрнига Юртбошимиз айтганларидек ўзини халқ хизматкори деб билиши керак эмасми?

Юқоридаги шикоят, унда кўтарилган муаммо аслида туман ёки вилоятнинг ўзида аллақачон ўз ечимини топиши мумкин эди. Масала ҳал бўлмагач, шикоятлар юқори идораларга ёза бошлашди. Маҳаллий раҳбарлар эса аризачиларни иғвогар, «ёзувчи»га чиқаришди. Бу ҳам етмагандек, уларни бадном қилиш учун миш-миш тарқатиш, сохта ҳужжатлар тўплашдек ўта майда ишлар билан ўралашиб қолишаётганга ўхшайди.

Энди виждонан ўйлаб кўрайлик, бундан кимга фойда, кимга зиён?

Эшитишимизча, ҳозир бу масала билан тегишли идоралар шуғулланишаётган экан. Шу боис қўлимиздаги баъзи факт ва рақамларни эълон қилишни кейинроққа қолдирдик. Масала узил-кесил ечимини топгач, эҳтимол бу мавзуга яна қайтармиз.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мамлакатимизда «Ҳамшира» кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинмоқда. Яқинда республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий-марказининг Самарқанд вилояти филиалида ҳам ана шундай тадбир ўтказилди. Танловда 7 иштирокчи 6 та шарт бўйича ўзларининг билими, маҳорати, зукколигини намойиш этди. Кўрик-танлов якунига кўра, барча шартларни муваффақиятли бажарган Саодат Тўраева ва Маҳфуза Маматқуловалар 1-ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринни эса Саодат Қодирова ва Замира Қулиевалар қўлга киритдилар. Тадбирда марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Рустам Содиқов сўзга чиқиб, бугунги кунда ҳамшираларнинг ўз касбига меҳрини янада ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ҳамширалар беллашдилар

Ўткур ҚАЮМОВ

1 млрд. доллар фойда кўрмоқда

Афғонистондаги наркогуруҳлар мамлакатда гиёҳванд моддалар савдоси тақиқланган бўлишига қарамай, уларнинг шу савдодан олаётган фойдаси бир йилда 1 миллиард долларни ташкил этар экан. Бу ҳақда Россия федерал чегара хизмати бош штаби бошлиғининг ўринбосари, генерал-майор Николай Плотников «Новости» агентлигига телефон орқали маълум қилди.

«Гиёҳванд моддалар Европага келиб тушгандан сўнг бу 1 миллиард доллар 25 миллиардга айланади» деди у.

Генералнинг айтишича, ўтган йили Афғонистон ҳудудида гиёҳванд моддалар етиштириш аввалги йиллардагига қараганда 18 мартага кўпайган, яъни опий хомашёси 3,5 минг тоннага етган. БМТ экспертларининг ҳисоб-китобича, жорий йилда бу кўрсаткич 6 минг тоннага етиши мумкин экан.

Афғонистонда «Гиёҳванд моддалар етиштирувчи гуруҳларнинг заҳира учун йиғиб қўйган «ҳосили» шунчалар кўпки, уни 2-2,5 йилда сотиб тугатиши мумкин» дейди генерал. Яна шуни қўшимча қилдики, бугунги кунда глобаллашиб бораётган наркосавдо таҳдидига бир ёки икки давлат қарши туролмайди. Шунинг учун унга қарши курашда кучларни бирлаштириш лозим. Айнан шу масала юзасидан, яъни Афғонистондаги наркотаҳдидга тўсиқ қўйиш борасида 22 май куни Парижда халқаро форум бўлиб ўтади. Унда қатнашиш истагини билдирган давлатлар сони ҳозирнинг ўзидаёқ 56 тадан ортиб кетди.

Тақиқлов эълон қилинди

Россия ветеринария хизмати тирик парранда, тухум ва бошқа парранда маҳсулотлари ҳамда унинг озуқасини Германиядан импорт қилинишини тақиқлади. Россия қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Сергей Данквертнинг айтишича, тақиқлов Германияда «парранда гриппи» тарқалганлиги масаласи билан боғлиқдир.

Бундан ташқари Нидерландия ва Бельгиядан ҳам парранда маҳсулотлари олиб келиш тақиқланган.

«Интерфакс» берган маълумотга кўра, 15 йилдан буён Россияда «парранда гриппи» қайд этилмаётир.

Бўстонлиқ манзаралари хорижликларни ҳам мафтун этмоқда.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Гуруч — диабетга қарши

Японияниг генетика билан шуғулланувчи олимлари яратган гуручнинг янги нави қанд касаллигига чалинган кишилар учун ўта фойдалидир.

Агробиология миллий институти олимларининг таъкидлашича, бу гуруч истеъмол қилингач, ошқозон ости безида инсулин синтезланиши меъёрлашади ва қонда шакар моддаси камаяди.

Тадқиқот раҳбари Фумио Такайва шунга урғу бериб айтдики, ушбу гуруч диабетга қарши дори-дармон ўрнини босиш билан бирга беморларни даволашда парҳез таом сифатида ҳам асқотади.

Мазкур гуруч яқин 2-3 йил ичида кўплаб етиштирилиб, бозорларга чиқарилади. Бироқ Японияда ген муҳандислиги билан шуғулланиш чекланган. Шунинг учун диабетга қарши шоли гуручини ўзга ўлкаларда етиштиришга тўғри келади.

Эслатиб ўтамиз: Японияда қандли диабетлар 6,9 миллион, дунё бўйича эса 150 миллион кишини ташкил этади.

Ҳали тайёр эмас

BBC News телеканалининг Буюк Британия молия вазири Гордон Браун берган манбага таяниб хабар қилишича, мамлакат евро муомаласига ўтишга ҳали тайёр эмас, яъни евро зонасига жорий қилиш учун унинг 5 шарти талабларига мамлакат иқтисодиёти ҳали жавоб беролмайди.

Евро муомаласини жорий қилиш учун мамлакат евро ҳудудига кирган давлатларнинг умумий иқтисодий манфаатларига жавоб бера оладиган бўлиши ва айнан шу янги шароитга Британия иқтисодиётини яқинлаштириш лозим, дея ҳисоблайди молия вазири. Бундан ташқари мамлакатда евронинг жорий этилиши иш ўринлари қисқартирилишига олиб келмаслиги, шунингдек, чет эл инвестицияси кириб келишига ва молиявий операцияларга етарли таъсир ўтказиши даркор.

Энди мамлакат раҳбарияти еврога ўтиш масаласи бўйича қачон текширув ўтказишни муҳокама қилиши ва бир тўхтамга келиши керак.

Ғолибларни «Матиз», «Дамас», компьютерлар кутмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Урганч давлат университети спорт саройи беллашувларни кузатиш учун ташриф буюрган кураш ихлосмандлари билан тўлиб-тошди. Азалдан полвонлар маскани бўлиб келган Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё вилояти ёш спортчилари билан басма-бас курашган мезбонлар ўз мухлисларига муносиб туҳфа ҳозирладилар. Етти вазн тоифасининг бештасида Хоразм вилояти ёш полвонлари «Умид ниҳоллари — 2003»нинг олтин медалларини қўлга киритишди. Ўз жамоасининг дастлабки муваффақиятига катта ҳисса қўшган Шуҳрат Қуронбоев (55 кг.), Сардор Абдиримов (60 кг.). Мадамин Рўзметов (65 кг.), Нурбек Искандаров (77 кг.), Жасур Болтаев (+77 кг.)лар мусобақа ғолиби бўлиши билан бирга имтиёзли равишда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кириш ҳуқуқига ҳам эга бўлишди. Беллашувларнинг 50 кг. вазн тоифасида Исмоил Курбонов (Навоий), 71 кг. вазн тоифасида Низомиддин Хўжабоев (Қорақалпоғистон)ларга тенг келадигани топилмади. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, Бухоро ва Сурхондарё вилояти курашчилари кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

Фарғонача усулдаги курашимиз ҳам бугун халқаро майдонга чиқмоқда. Белбоғли кураш номи билан дунёга танилаётган бу тур бахслари Хоразмда ўзгача руҳ ва юксак савияда уюштирилди. Янгибозор спорт коллежида ўтказилган мусобақада нафақат водий полвонлари, балки бошқа вилоятлар вакиллари ҳам ғолиблик учун муросасиз кураш олиб боришди. Умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг биринчи ва иккинчи поғоналарини Андижон ҳамда Фарғона вилоятлари спортчилари эгаллашди. Хоразмликлар эса фахрли учинчи ўринга кўтарилишди.

Сузиш, бадиий гимнастика мусобақаларида ҳам Тошкент шаҳри, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ёш спортчилари тенгсиз эканликларини намойиш этишди.

Кундузги мусобақалар ниҳоясига етгач, ҳар куни оқшомда Урганчдаги «Авесто» мажмуаси амфитеатрида «Умид ниҳоллари — 2003» қатнашчилари учун кўнгилочар томошалар, концерт ва дискотекалар ташкил этилаётир. Ғолиб ва совриндорлар ҳам худди шу ерда тантанали равишда тақдирланмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, республика спорт ўйинлари иштирокчи ўғил-қизлари туғилган кунлари ҳам мусобақа ташкилотчилари томонидан муносиб нишонланаётир.

Шу кунларда Хоразм ана шундай катта спорт байрами оғушида. Юртимиз ўғил-қизлари нафақат беллашмоқдалар, балки кўҳна ва навқирон заминда янгиянги дўстлар орттиришмоқда. Олам-олам таассуротлар олишмоқда.

Бугун сўнгги ҳал қилувчи баҳслар ўтказилади. Ғолиб ва совриндорлар аниқланади — умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин эгасига «Матиз», иккинчи ўрин соҳибига «Дамас» автомобиллари калити топширилади. Фахрли учинчи ўрин эгалари замонавий компьютерлар билан тақдирланадилар. Бундан ташқари, ҳар бир спорт тури бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ёшларга Халқ таълими вазирлигининг дипломлари, олтин, кумуш ва бронза медаллари, ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилади.

Кеча эса футбол бўйича ярим финал учрашувларида кучлилар аниқланди: Хоразм — Бухоро — 1:0, Тошкент шаҳри — Жиззах — 2:0.

Қисқаси, бугун ёшлик ва шижоат байрами «Умид ниҳоллари — 2003» республика мусобақаларининг сўнгги ва энг ҳаяжонли куни.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Санъат саройи халқ хизматида

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биноси очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табригида: «Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ», — деган сўзлари санъатнинг инсон камолоти, умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрнига берилган муносиб баҳодир.

Юртимизда ота-боболардан бизгача етиб келган мусиқий меросни эъзозлаш, миллий санъат ва маданиятимизни янада ривожлантириш, ёш истеъдодларнинг салоҳиятини намоён этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барпо этилаётган ва жаҳон андозалари даражасида таъмирланаётган санъат кошоналарида яратилган қулайликлар халқимиз миллий ва замонавий мусиқа санъатидан тўла баҳраманд бўлишига имкон яратмоқда.

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида юртдошларимиз қанчадан-қанча атоқли санъаткорларимиз, ёш ижрочиларимиз, шунингдек, бир қанча хорижлик санъат намояндалари ижодидан баҳраманд бўлган. Бундай эзгу иш бугун ҳам изчил давом этмоқда.

Мазкур сарой директори Собиржон НУРИДДИНОВ ушбу маданият масканида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Санъат кошонамиз халқимизга хизмат кўрсатаётган йирик маданият масканлари орасида ўз ўрнига эга. Бу даргоҳда миллий ва замонавий мусиқа санъатини тарғиб этиш, халқимизнинг маънавиятини бойитиш борасида талай тадбирлар ўтказилади.

Бошқа соҳалар каби маданият масканлари ҳам бозор иқтисодиётига мос равишда иш олиб боришини давр тақозо этмоқда. Шу мақсадда сарой маъмуриятида концерт дастурларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими очилди. Бу бўлим янги иш ўринлари очиш имконини бериши баробарида сарой фаолиятини янада ривожлантиришда, халқимизга кенгроқ қамровда хизмат кўрсатишни йўлга қўйишда муҳим омил бўлади.

Янги бўлим томонидан ташкил этилган ёш хонанда Озода Нурсаидованинг концерт дастуридан тушган маблағ саройимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаева иштирокида бўладиган концертдан тушадиган маблағ ҳам ана шундай мақсадларга йўналтирилади.

Сарой ёшларимиз маънавий камолотига, кишиларимиз руҳини тетиклаштиришга салмоқли улуш қўшадиган маданият маскани бўлиши керак. Келгусида бу ерда кўплаб касб байрамлари, оммавий томошалар ташкил этиш ниятидамиз. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Талабалик — олтин даврим» шоу-концертини ташкил этмоқчимиз. Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ҳар йили нишонланадиган устозлар ва мураббийлар байрамига бағишланган тадбир уюштирмоқчимиз. Ёшларнинг таниқли санъаткорлар билан учрашуви ва концерт дастурларини ташкил этаяпмиз. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад маблағ топиш билан бирга йигит-қизларнинг миллий истиқлол ғоясига садоқатли, ватанпарвар, фидойи инсон бўлиб етишишига кўмаклашиш ҳамдир.

Юртдошларимиз хорижий мамлакатлар мусиқа санъатига қанчалик қизиқса, ўзбек миллий ва замонавий қўшиқчилик санъатига чет элларда шунчалик қизиқиш катта. Шуни назарда тутган ҳолда чет эллик санъаткорлар концертларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими фаолиятини йўлга қўйиш режамиз бор. Бу бўлим фаолиятида миллий санъатимизни хорижда кенг тарғиб этиш, истеъдодли санъаткорларимиз ижодини жаҳон саҳналарида намойиш қилиш вазифаси муҳим ўрин эгаллайди.

Саройда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Зеро, бугунги концерт залида санъаткорлар ўз маҳоратини тўла намоён этиши, томошабинлар мириқиб дам олиши учун барча зарур шароитлар яратилмоғи лозим. Сарой жамоаси ана шу ниятда иш олиб бормоқда. Ўйлайманки, мазкур сарой бундан кейин ҳам халқимизнинг севимли масканларидан бири бўлиб қолади.

ЎзА мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.

«Бойсун баҳори»ни дунё билади

Сурхондарё (ЎзА мухбири Ч.Тўхтаев). Уч кун давом этган анъанавий «Бойсун баҳори» очиқ халқаро фольклор фестивали ниҳоясига етди. Унда мамлакатимиз ва ўнга яқин хорижий давлатлардан келган таниқли фольклоршунос олимлар, этнографлар, маданият арбоблари, фольклор дасталари, бахшилар, раққосалар, қўшиқчи-лапарчилар, халқ миллий ҳунармандчилиги усталари, каштачи-зардўзлар, либос дизайнерлари иштирок этди.

Тоғ тераклари шовуллаб турган, ўнлаб ўтовлар тикилган «Бойсунтоғ» этно-фольклор боғи амфитеатрида катта санъат байрами ўтказилди.

Фестиваль бошланиши олдидан Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Бойсун баҳори» доирасида Марказий Осиё республикалари бахши-шоирлари ва оқинларининг анъанавий халқаро кўрик-фестивали ўтказилиб, унда элликка яқин бахши-шоир, оқин иштирок этди. Сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев, Шодмон Хўжамбердиев, Бобораим Маматмуродов, хоразмлик Норбек Абдуллаев, Етмишбой Абдуллаев, қашқадарёлик Қаҳҳор Раҳимов, тошкентлик Жумабек Субанов каби бахшилар, Ёқутжон Нуриддинова, Интизор Юсупова каби хоразмлик халфалар ҳамда қорақалпоғистонлик жиров Бахберген Сиримбетов, жиззахлик оқин Бейсенбай Уразбоев Бойсунда ҳам достон ва термалар айтиб томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Қўшни Тожикистон Республикаси «Боязи Кухистон», Қорақалпоғистоннинг «Аму тўлқини», Бухоронинг «Мардона» каби фольклор-этнографик халқ дасталари ижросидаги миллий, ўзига хос қўшиқ ва лапарлар барчага манзур бўлди. Бир неча йиллардан буён ўзбек ва тожик рақс санъатини ўрганаётган швейцариялик К.Даниэлла ижросидаги рақслар томошабинларга айрича завқ-шавқ бағишлади.

Фестиваль доирасидаги либослар дизайни кўригида бойсунликлар асрлар оша қадрлаб, асраб-авайлаб келган ўн етти либос намойиш этилди. Айниқса, «Минг бир кеча», «Наврўз камалаги», «Бойсун лоласи», «Шаҳризоднинг кўз ёшлари» каби либосларга қизиқиш катта бўлди. Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам томошабинлар диққат марказида бўлди.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Дўст ҳисоби — дилида

Вар.: «Дўстинг дўст бўлсин, ҳисобинг дуруст бўлсин», «Ҳисобли дўст айрилмас, қуш қаноти қайрилмас». Булар билан: «Ҳар қанча қалин дўст бўлсанг ҳам, олди-берди муомалангни тўғрилаб юр, дўстингнинг ҳақига хиёнат қилма, токи икки ўртада кўнгил қоларлик, ажралиб кетишга сабаб бўларлик иш воқе бўлмасин», дейилмоқчи.

Дўстни сўраб сина

Мазмуни: «Дўстингнинг содиқлигини синамоқчи бўлсанг, ундан атайлаб бир нарса сўраб кўр. Хўп деб берса, чин дўстлиги, сенга содиқлиги билинади. Бўлатуриб бергиси келмаса, баҳона қилса, ҳақиқий дўст эмаслиги билинади. Дўст танлашда шунга қараб иш кўр», дейилмоқчи. Вар.: «Ҳисобдан адашсанг ҳам, дўстдан адашма», «Ҳар кимни дўстим дема, тандаги пўстим дема», «Ҳар кимга дўст тутинган — ҳеч кимга дўст бўлолмас», «Кўринганни дўст билма, кейин пушаймон қилма», «Яхши ошни кўз танир, яхши ошнани — кўнгил», «Яхшилар дўстлашмоққа келади, ёмонлар муштлашмоққа келади», «Синалмаган дўстдан синалган душман яхши», «Таниган душмандан танимаган дўст хавфли».

Республика кўчмас мулк биржасининг

Тошкент шаҳар филиалида

ўтган ҳафтада ўтказилган кимошди савдоларида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдирадиган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Спутник-8 мавзеси, 28-уй ёнида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ҳамда Спутник-8 мавзеси, 42-, 45- ва 46-уйлар олдида сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдонлари сотилди.

Умумий сотилиш нархи — 2 100 000 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй, Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

«Асака ёғ» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Асака ёғ» очиқ акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 2003 йил 15 май куни йиғилиш қарорига асосан жорий йилнинг 5 июнь куни жамият мажлислар биносида соат 11.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчилари ўзлари билан бирга паспорт ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлиши ҳамда соат 9.00 дан 10.30 гача рўйхатдан ўтишлари сўралади.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. «Асака ёғ» очиқ акциядорлик жамияти бошқарув ҳайъати таркибига сайловлар.

Умумий йиғилишга доир ахборотларни жамият Кузатув Кенгашидан олишлари мумкин.

Жамият манзили: Андижон вилояти, Асака шаҳри, Бобур кўчаси, 5-уй.

«Асака ёғ» ОАЖ Кузатув Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси жиноят процесси кафедраси бошлиғи, милиция полковниги, юридик фанлари номзоди Раҳмонқулов Аҳрор Худоёровича волидаи муҳтарамалари

ХОСИЯТХОН хожи аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Бурсел» компанияси жамоаси, компаниянинг «Бурсел Иншаат ве Макина Санайи Тижарет А.Ш.» филиали бош директори Рустам Мўминовга онаси

Лидии Трофимовна БОНДАРЕНКОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тафаккур» журнали жамоаси «Ўзбеккино» компанияси раиси Мурод Муҳаммад Дўстга укаси

Элмурод ХОЛБОЗОРОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

● ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Мозий сабоқлари

«Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг 2003 йилдаги биринчи сони ўқувчиларга тақдим этилди. Унинг илк саҳифаси бош муҳаррир З.Мунавваровнинг «Маҳалла — демократия мактаби» мақоласи билан очилади. Шунингдек, бу мавзуни И.Жумаев ўзининг «Ватан ичра жон Ватан» шеъри ва А.Юнусов «Ношукур бўлмайлик!» мақоласи билан давом эттиради.

Таниқли дин пешвоси Раҳматулла қори Обидовнинг мақоласида Қуръони каримнинг муборак номлари оятлар асосида талқин этилган. Диний мавзудаги яна бир мақола ўқувчилар диққатига ҳавола этилмоқда. Бу ҳиндистонлик олим Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» («Имом Бухорий сийрати») номли китобидан берилган парчаларда «ал-Бухорий «Саҳийҳ»ининг Муслим «Саҳийҳ»идан афзаллиги» ҳақидадир.

Берн (Швейцария) университети профессори А. фон Кюгельген ва А.Мўминовнинг «Х аср Самарқанд илоҳиётчилари», профессор Ҳ.Ҳомидийнинг «Мотуридий ҳикматлари» ва ёш тадқиқотчи С.Оқиловнинг «Табсирату-л-адилла»нинг қўлёзма нусхалари» мақолалари Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти, фаолияти ва меросига бағишланган.

Мюнхен (Германия) университети профессори Р.Пичнинг мақоласида Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг (1006-1089) ҳаёти ва мероси ҳақида сўз боради.

«Замима» тазкира нима? «Насуҳ тавбаси» билан боғлиқ қандай ривоят мавжуд? Алишер Навоий меросини ўрганишга бағишланган луғатларда қайд этилмаган бундай нозик саволларга жавобни С.Ғаниеванинг «Мажолисун-нафоис» ва «замима» тазкиралардан бири ҳамда ёш олим М.Абдулхайровнинг «Навоийшуносликнинг муҳим қирраси» мақолаларидан топишингиз мумкин.

«Хатти Бобурий» ҳақида нима биласиз? У қачон ихтиро этилган ва неча ҳарфдан иборат? Мазкур хат тури билан боғлиқ маълумотларни Н.Жабборовнинг «Хатти Бобурий алифбоси» мақоласидан билиб оласиз.

Соҳибқирон Амир Темурга султон Фараж томонидан йўлланган ва ўзбек ўқувчисига илк бор ҳавола этилаётган нома ҳам журналхонларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Ушбу мактубни ёш арабшунос А.Садриддинов таржима қилган.

Турли мавзулардаги бир қатор мақолалар, бадиий асарлар билан танишган ўқувчи журналнинг янги сони орқали мозий сабоқларидан баҳраманд бўлади. Ёзувчи Ҳ.Дўстмуҳаммаднинг «Одобида зиё мужассам» мақоласида журналистларга хос шарқона одоб-ахлоқ манбалари ва мезонлари ҳақида сўз боради.

Журналда, шунингдек Бухорода ўтказилган «Қўлёзма ва тошбосма китобларни тўплаш, сақлаш ва ўрганиш муаммолари» мавзуидаги илмий-назарий конференция ва Чустдаги «Мавлоно Лутфуллоҳ манақиби» китобининг

тақдимоти ҳақида ҳикоя қилинган.

Журнал ичидаги «Имом ал-Бухорий авлодлари» ёшлар журналидан «Одамийлик зийнати» (Н.Абдулҳаким) ва «Ислом ҳуқуқшунослигига оид муҳим тадқиқот» (С.Исҳоқов) мақолалари ўрин олган.

Мазкур сон маънавий мерос, тарих, фалсафа ва бошқа фанларга оид аниқ маълумотлар ва рангли безаклар билан зийнатланган қирққа яқин мақолаларни ўзида мужассам этган кони зиё сабоқлардир.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 422

11547 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 00.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA